

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОБАТОВ АБРОР БОШЛАРОВИЧ

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ГРЕК ЁНҒОҒИНИ
ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economics sciences**

Инобатов Аброр Бошларович

Деҳқон хўжалиқларида грек ёнғоғини етиштиришнинг иқтисодий
самарадорлигини ошириш йўналишлари..... 3

Инобатов Аброр Бошларович

Направления повышения экономической эффективности выращивания
грецкого ореха в дехканских хозяйствах..... 25

Inobatov Abror Boshlarovich

Directions for increasing the economic efficiency of growing walnuts in
dekhkan farms 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОБАТОВ АБРОР БОШЛАРОВИЧ

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ГРЕК ЁНҒОҒИНИ
ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 й.

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Iqt892 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хушматов Норқул Садуллаевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Хакимов Рашид Хамдамович, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

Диссертация химояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.1.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «d» may соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (166 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «18» aprel кунга тарқатилди.
(2023 йил «18» aprel даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Б.Ф.Султанов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қопидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал иқлим ўзгариши туфайли дунёда, шунингдек, республикамиз қишлоқ хўжалигида сув танқислигининг сезиларли кучайиб бориши ва сайёрамизда аҳоли сонининг ортиши каби ҳолатлар озиқ-овқат таъминоти муаммосини келтириб чиқараётган бир пайтда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда ва сифатли таъминлашга бўлган зарурати ҳам ортмоқда. Саноат ривожланиши, технологиялар такомиллашиб бориши баробарида кимёвий синтез қилинадиган озиқ-овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш кўламининг ортиши, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, уруғчилигини йўлга қўйиш, экинларни парваришлаш жараёнида ҳам ўсиш стимуляторлари, кимёвий препаратлар ва ниҳоят ген инженерияси технологиясидан фойдаланиш каби замонавий воситалар ҳамда технологиялар экологик муаммоларнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва грек ёнғоғи етиштириш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда инсонларнинг кундалик соғлом озиқланиш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Бундай шароитда тўйимли ва инсон организмни муҳим озуқа элементлари билан таъминлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш илм-фан ва амалиёт учун муҳим вазифалар қаторига киради. Бунда грек ёнғоғи етиштириш кўламини оширишни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё амалиёти кўрсатишича, жаҳон бозорида ёнғоқ истеъмолининг ортиши боисдан унинг айланмаси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Дунёда ёнғоқ етиштириш ҳажми "... 2013–2014 йил мавсумида 1,66 млн. тоннадан 2019–2020 йил мавсумида 3,8 млн. тоннага ортик"¹ ёки 2,3 баробарга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ёнғоқзорлар тоғ ён-бағирлари ерларидан самарали фойдаланиш имконини бериши, дарахтлар илдизи эса туپроқ эрозиясига қарши курашда, сел ювишининг олдини олиш тадбирларини амалга оширишда ҳам беқиёс аҳамиятга эгаллиги, бошқа экинлар учун ихота сифатида хизмат қилиши ёнғоқнинг иқтисодий-мелиоратив аҳамиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, грек ёнғоғи мойидан ва концентратидан медицина, парфюмерия соҳаларида, тасвирий санъат ҳамда полиграфия соҳалари учун сифатли препаратлар, аралашмалар тайёрлашда кенг миқёсда фойдаланилади. Умуман олганда, грек ёнғоғининг қимматли мевасидан ташқари барча вегетатив органлари (ёғочи, барги, ёнғоқ меваси, пўчоғи, ҳатто ёнғоқ мағзи ўртасидаги пластинкаси) иқтисодий ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилмоқда. Шундай экан, ёнғоқдан чиқитсиз технология асосида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон "Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3025-сон "Ёнғоқ

¹ Грецкие орехи: мировое производство, потребление, экспорт-импорт. Годовой отчет USDA. <http://givemebid.com/greecie-orexi-mirovoe-proizvodstvo-potreblenie-eksport-import-godovoj-otchet-usda-2/>

ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Грек ёнғоғи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш, маҳсулотнинг бозорғирлик хусусиятларини яхшилаш, ёнғоқ ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар жалб этиш, дунёда грек ёнғоғи етиштириш хусусиятлари ва улардан фойдаланиш масалалари юзасидан тегишли илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш хорижлик М.Константинова, Ю.Гринюк, С.Г.Биганова, Ю.И.Сухоруких, А.П.Луговской, С.А.Нам, Н.Г.Петрова, З.А.Ибрагимов, О.Юрина, О.Ю.Орлова² каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон шароитида эса грек ёнғоғи етиштириш соҳасининг иқтисодий муаммолари ечимларини топиш, соҳани ривожлантириш масалаларига Б.Носиров, О.Шайматов, Ҳ.Ҳамроев, Д.Ёрматова, М.Абдужабборов, Н.Хушматов³ каби олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда эътибор қаратилган.

Бироқ, мамлакатимизда селекция, ёнғоқ экинларини етиштириш агротехнологияси соҳасидаги тадқиқотлар қониқарсиз даражадалиги, деҳқон хўжаликлариди ёнғоқ ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни асослаш бўйича илмий тадқиқотларнинг деярли йўқлиги, шунингдек грек ёнғоғи етиштиришни ривожлантириш борасида сўнгги йилларда қабул қилинган Республика Президентининг қатор қарорлари, ўтказилган йиғилишларидаги топшириқлар ижросини таъминлаш учун мавжуд муаммолар

² Константинова М. Болезни грецкого ореха и их лечение. // Пропозиция/ – 2017. №5. – С. 126-129. [https://propozitsiya.com/bolezni-greckogo-oreha-i-ih-lechenie.](https://propozitsiya.com/bolezni-greckogo-oreha-i-ih-lechenie;); Гринюк Ю.В. Чем токсичность грецкого ореха и его листьев для других растений? [https://ogorodniki.com/user/494010/notes/v-chem-toksichnost-greckogo-orekha-i-ego-listev-dlia-drugikh-rastenii.](https://ogorodniki.com/user/494010/notes/v-chem-toksichnost-greckogo-orekha-i-ego-listev-dlia-drugikh-rastenii); Биганова С.Г., Сухоруких Ю.И., Луговской А.П. Современные тенденции селекции ореха грецкого в России// Современные проблемы науки и образования. – 2015. №2-1; <https://science-education.ru/ru/article/view?id=17236>; Нам С.А. Грецкий орех. Негосударственное учреждение "Престиж". <https://school-science.ru/14/1/49937/>; Петрова Н.Г. Интродукция растений семейства Juglandaceae Lindl в Калининградской области: дис. к.б.н.; Ибрагимов З.А. Грецкий орех (Juglans regia L.): биология, экология, распространение и выращивание. Баку, 2007. – 86 с.; Юрина О. Повышение качества грецких орехов, реализуемых в розничной торговой сети, и разработка алгоритма прогнозирования их лежкоспособности. <https://www.dissertac.com/content/povyshenie-kachestva-gretskikh-orekhov-realizuemykh-v-rozничной-torgovoi-seti-i-razrabotka>; Орлова О.Ю. Современные аспекты использования возобновляемых природных ресурсов в технологии пищевых продуктов функционального и специализированного назначения: Коллективная монография. – СПб.: Изд-во «ЛЕМА», 2012. – 254 с.

³ Носиров Б. Ўзбекистонда ёнғоқ ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари. <https://www.researchgate.net/publication/347360735>; Шайматов О.А., Ҳамроев Ҳ.Ф. Грек ёнғоғи истиқболли шаклланининг биоморфологик хусусиятлари. //Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. Т.: – 3 (81) 2020. – б. 138.; Ёрматова Д., Абдужабборов М. Пеқан ёнғоғи – сердармад мева. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2022. №1. – Б.43-44. <https://agro-olam.uz/pekan-yongogii/>; Хушматов Н. Грек ёнғоғи етиштиришда харажатларни тежаш. //Agro hidro NEWS. – №10. 2020. – Б.18-19.

ечимлари юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боис, мазкур диссертация мавзуси сифатида деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар танлаб олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг FZ-202010071-сонли “Тоғ олди минтақасида ёнғоқ етиштириш ва сотишнинг самарали тизимини ташкил этиш орқали аҳоли даромадини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан ёритиш;

деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришда ресурстежамкор технологияларни иқтисодий баҳолашнинг услубий жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида амалий хулосалар тайёрлаш;

грек ёнғоғининг жаҳон бозоридаги ишлаб чиқариш ва савдосининг миқдор ўзгариш тенденциялари таҳлилин аналга ошириш ҳамда тегишли хулосалар ишлаб чиқиш;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган грек ёнғоғини истеъмолчиларга етказиб бериш тизимининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

деҳқон хўжаликлари фаолияти доирасида грек ёнғоғи бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий рағбатлантириш йўналишлари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

деҳқон хўжаликларида 2022–2030 йилларга мўлжалланган грек ёнғоғи етиштириш истиқболлари прогнозларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида республикада грек ёнғоғи етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Тошкент вилояти Паркент тумани деҳқон хўжаликлари мисолида амалга оширилган.

Тадқиқот предметини деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, иқтисодий ҳисоб-китоб, эксперт баҳолаш, прогнозлаш ва монографик кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ёнғоқ ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари учун мотивация уйғутувчи ва жаҳон бозорида товарлилик даражасини белгиловчи муҳим иқтисодий хусусиятлар ҳамда деҳқон хўжаликлари учун юзага келувчи иқтисодий хатарлар йўналишлари илмий асосланган;

ёнғоқзорларни парваришlash тадбирларини амалга оширишда ресурс тежамкорликни баҳолаш юзасидан услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган ҳамда тежамкор технологияларни иқтисодий самарадорлик жиҳатидан баҳолаш услуби таклиф этилган;

грек ёнғоғи етиштирувчи деҳқон хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш йўналишлари таклиф этилгани ҳолда грек ёнғоғи етиштирувчи деҳқон хўжаликлари учун аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тизими шакллантирилган ва тармок учун аутсорсинг таркиби (outsourcing) ишлаб чиқилган;

ички бозорни тўйинтириш ва экспортни кенгайтиришга қаратилган деҳқон хўжаликлари фаолияти доирасида 2022–2030 йилларга мўлжалланган грек ёнғоғи етиштириш прогнозлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагиларда ўз аксини топган:

грек ёнғоғи етиштириш иқтисодий жиҳатдан юқори фойда келтирувчи ҳамда сарф-харажатларни юксак даражада оқлайдиган ишлаб чиқариш эканлиги асосланган;

грек ёнғоғининг жаҳон бозорида товарлилик даражасини белгиловчи муҳим иқтисодий хусусиятлари ва улардан деҳқон хўжалиklarида фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришда юзага келувчи иқтисодий хатарлар йўналишлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ишончли услубий ёндашувлар ҳамда усуллардан фойдаланилганлиги, иқтисодий таҳлиллар жараёнида фойдаланилган статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда монографик кузатув натижаларига таяниши, тегишли хулоса ва таклифлар мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар ёнғоқ етиштирувчи хўжалиklar фаолиятининг бозор талабига тўлиқроқ мослашиши орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хорижий истеъмолчилар учун миллий ёнғоқ брендларини яратиш орқали бозор талабига таъсир кўрсатиш натижасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги назарий билимларни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти деҳқон хўжалиklarида грек ёнғоғи етиштиришда бозоргир маҳсулот берувчи навлар кўчатларини жойлаштириш, ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиққан ҳолда етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш, маҳсулотга ташқи кўриниш бериш (калибровка қилиш, саралаш, пўчоғидан тозалаш каби) билан боғлиқ маркетинг тизимини жорий қилиш орқали ёнғоқ маҳсулотининг товарлилик даражасини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, илмий тавсиялардан қишлоқ хўжалиги таълим муассасалари ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

ёнғоқ етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари учун мотивация уйғотувчи ва жаҳон бозорида товарлилик даражасини белгиловчи муҳим иқтисодий хусусиятлар ҳамда деҳқон хўжаликлари учун ишлаб чиқаришда юзага келувчи иқтисодий хатарлар йўналишлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 07/35-04/4246-сон маълумотномаси). Натижада, ёнғоқ ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари учун мотивация уйғотувчи ва юзага келувчи иқтисодий хатарларнинг олдини олиш имконияти яратилган;

ёнғоқзорларни парваришлаш тадбирларни амалга оширишда ресурс тежамкорликни баҳолаш юзасидан услубий ёндашувлар ҳамда тежамкор технологияларни иқтисодий самарадорлик жиҳатидан баҳолаш услуби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 07/35-04/4246-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон хўжаликларида маҳсулот етиштириш сарф-харажатларини 15–20 фоизгача тежаш имконияти яратилган;

грек ёнғоғи етиштирувчи деҳқон хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича ҳамда уларга аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тизими юзасидан тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 07/35-04/4246-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштириш самарадорлигини сезиларли ошириб, ўртача ҳосилдорликни 20 фоизгача ортишига хизмат қилган;

ички бозорни тўйинтириш ва экспортни кенгайтиришга қаратилган деҳқон хўжаликлари фаолияти доирасида 2022–2030 йилларга мўлжалланган грек ёнғоғи етиштириш прогнозлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 07/35-04/4246-сон маълумотномаси). Натижада, 2030 йилда туман грек ёнғоғи ҳосилдорлиги 2023 йилдаги 110,5 ц/га. дан 2030 йилда 128,7 ц/га. га ортиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 марта халқаро ва 3 марта республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 12 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда жами 9 та илмий иш, шундан 7 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади, вазибалари, объекти ва предмети, фойдаланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши ёритилган ҳамда нашр қилинган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари” деб номланувчи биринчи бобида деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик нуқтан назаридан хусусиятлари ҳамда деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришда ресурстежамкор технологияларни иқтисодий баҳолашнинг услубий жиҳатлари ўрин олган. Грек ёнғоғи ўсадиган ҳудудлар йиллик самарали ҳарорат 2400°С ва 150 кундан кам бўлмаган иссиқ кунли ва қиш мавсумида энг паст ҳарорат -28°С дан пасаймайдиган иқлимга эга.

Таҳлиллар кўрсатишича, грек ёнғоғи иқтисодий жиҳатдан юқори фойда келтирувчи, инвестиция қайтимини таъминловчи ёнғоқ меваси бўлиб, қуйидаги иқтисодий хусусиятларига эга (1-расм). Қуйидаги хусусиятлар қаторида грек ёнғоғининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида яхши ўсишини кузатишим мумкин.



1-расм. Грек ёнғоғини етиштиришнинг иқтисодий жозибадорлик хусусиятлари⁴

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иссиқсеварлиги, ёруғликни яхши кўриши ҳамда ҳавонинг юқори намлик даражасини ёқтирмаслиги республикада ёнғоқ етиштириш учун қулай имконият пайдо қилади. Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар грек ёнғоғи ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишда, соҳага инвестиция йўналтиришда деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари учун муҳим ҳисобланади.

Грек ёнғоғининг секин ҳосилга кириши, бир йил ҳосил бериб, иккинчи йил ҳосил бермаслиги ердан фойдаланиш самарасини пасайтиради. Шунингдек, қатор орасига бошқа экин экиш имкони йўқлиги, дарахтлар катта майдонни эгаллаши, (битта дарахт деярли 1 сотих майдонни банд қилади), ёнғоқзорларни асосан лалми, тоғли ва тоғ олди худудларида барпо қилишни тақозо этади.


Тадқиқотлар кўрсатишича, тадбиркор учун иқтисодий жозибadorлик ички ва ташқи бозорда грек ёнғоғига талаб доимийлиги, талабнинг миқдори муттасил ортиб бориши билан боғлиқ. Бунда:

– ёнғоқнинг илм-фан мунозарасиз кўрсаткичлар билан исботлаган инсонлар рақибидоғи озиқ-овқат сифатидағи аҳамиятининг жамоатчилик онгига тобора кенгроқ синдириб борилиши;

– жаҳон бозорида ёнғоқ етиштириш ҳажмининг бозор талабидан анча камлиги, сифатини бузмай, ҳажмини камайтирмай ташишга қулайлиги;

– сақлаш, ташиш ва туширишнинг мураккаб техника талаб қилмаслиги унинг юқори даражадағи жозибadorлигини юзага келтиради.

Айни пайтда жаҳон бозорида грек ёнғоғи товарлилик хусусиятлари (истеъмол қиймати) қуйидағи кўрсаткичлар билан баҳоланади (2-расм):



2-расм. Грек ёнғоғининг маҳаллий ва жаҳон бозоридағи товарлилик даражасини белгиловчи хусусиятлари⁵

Юқоридағи кўрсаткичлар жаҳон бозорида ёнғоқ сифатига қўйиладиган талабларни акс эттиради, уларни таъминлаш асосида тадбиркорларнинг юқори фойда олиш имконияти ошади. Шунинг учун ҳам юқори даромад келтирадиган ёнғоқзорлар ташкил қилишда (деҳқон хўжаликларида), ёнғоқ навларини танлаш ўта долзарб масала ҳисобланади. Нотўғри танланган нав, ишлаб чиқарувчига ердан фойда олиш имкониятини яна бир неча йилга орқага суриши, узок йилга

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

мўлжалланган ҳолда қилинган меҳнат ва бошқа харажатларнинг бесама сарфланишига олиб келиши мумкин.

Ёнғоқ мағзини ажратиш жараёнида навдор ёнғоқларда осон ва бутун чиқиши, навсиз ёнғоқларда мағзи ажралоши қийинлиги туфайли мағзини бутун олиш салмоғи пасайиб, ўртача баҳоси ҳам ўзгаради (1-жадвал).

1-жадвал.

Грек ёнғоғи мағзининг ўлчамларига боғлиқ ҳолда бозорга таклиф қилинадиган тоифалари (Россия бозори) (2020 йил ўртача баҳоларида)⁶

т/р	Грек ёнғоғи мағзи тоифалари	Товар сифатидаги кўриниши	Фойдаланиш мақсади	Ўртача баҳоси ⁷ (кз/\$)
1.	<i>Капалак (бабочка)</i>	Ёнғоқ мағзи иккита тенг бўлақларга бўлинган ва кўриниши капалак нусха	Бевосита тайёр озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилинади.	5,7–8,9 АҚШ \$
2.	<i>Чораклик (четвертушка)</i>	Ёнғоқ мағзи тенг тўртта бўлақларга бўлинган.	Бевосита истеъмол қилинади ва турли таомларга кўпилади (салат).	4,9–7,3 АҚШ \$
3.	<i>Ярим чораклик (восьмушка)</i>	Одатда, ёнғоқ мағзи саккизга бўлинган бўлақлардан иборат.	Тортлар, кулчалар ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрлашда фойдаланилади.	3,2–4,1 АҚШ \$
4.	<i>Майда бўлақча (мелкие кусочки)</i>	Бу ёнғоқ мағзининг кичик бўлақлари, одатда 4–6 мм ўлчамда.	Кондитер маҳсулотлари ва қайта ишлаб, ёнғоқ мойи тайёрлашда фойдаланилади.	2,9–3,6 АҚШ \$
5.	<i>Ёнғоқ уни (ореховая мука)</i>	Ёнғоқ мағзининг элақдан ўтган энг майда қисми.	Хамирга кўшиб торт, турли пишпириқлар ва ёнғоқ креми тайёрлашда фойдаланилади.	1,1–2,3 АҚШ \$

Грек ёнғоғи турлича шакли, пўчоқ қалинлиги туфайли, тозаланмаган ёнғоқ асосида ҳосилдорликни аниқлаш ва ёнғоқ етиштириш самарадорлигига иқтисодий баҳо бериши қийин. Масалан, ёввойи грек ёнғоғида ўртача мағиз чиқиши 30–35 фоиз бўлса, навдор ёнғоқда 45–55 фоизгача етиб боради. Шунингдек, навсиз грек ёнғоғида мағзини ажратиш қийинлиги, тозалашда майдаланиб кетиши ва меҳнат унумдорлигининг пасайиши боис ёнғоқ экишда навдорлик масаласига эътибор қаратиш зарур. Навли ёнғоқларда ҳосилга кириш даври ҳам қисқарок, ҳосилдорлиги эса анча юқори бўлади.

Одатда, грек ёнғоғининг тозаланган мағзи (ядроси) 5 та тоифа билан баҳоланади. Ҳар бир тоифага кирган маҳсулотлар асосан, бозор талаби асосида аниқ мақсад учун савдога чиқади ва мос равишда маҳсулот баҳоси шаклланади. Агарда шаклланган бозор баҳоларига эътибор қаратадиган бўлсак, тоифалар ўртасида сезиларли фарқни кузатиш мумкин.

Шунингдек, бозор талаби баъзан тушунарсиз ҳолда ҳам ўзгариб боради. Масалан, биринчи ва иккинчи (асосан биринчи) тоифага кирган маҳсулотлар ёнғоқ мағзининг рангига қараб яна турлича баҳода сотилади. Агарда

⁶ <http://nutguide.ru/vidy/greckie/ochishhennogo-oreha> маълумоти асосида тузилган.

⁷ Изоҳ: 2018 йил апрель улгуржи баҳо: <https://agroservers.ru/orekh-gretskiy/p1-country-9787.htm>.

Ўзбекистондан экспорт қилинаётган ёнғоқни Россия бозорлари нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсақ, ёнғоқ мағзи ранги бўйича қуйидагича баҳо ўзгаради (2-жадвал). Ранги бўйича шаклланган бозор баҳолари ўртасидаги фарқ бир килограмм учун 200 рублгача ёки энг юқори баҳога нисбатан (оқ рангли “Капалак” тоифасидаги ёнғоқ мағзи баҳоси) 1,6 мартагача ораликни ташкил қилади.

2-жадвал.

Грек ёнғоғи мағзининг рангига боғлиқ ҳолда бозорга тақлиф қилинадиган тоифалари⁸

Грек ёнғоғи мағзи тоифаси	Грек ёнғоғи мағзининг ранги	Ўртача баҳоси (кг/рубль)	Баҳо ўзгаришидаги фарқлар
Капалак (бабочка)	Оқ ранг (белый)	540	“1,0”
	Бугдойранг (пшеничный)	470	“1,15 марта”
	Оқ очикранг (светлый)	440	“1,23 марта”
	Очиқ жигарранг (бежевый)	340	“1,59 марта”

Бу эса фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан янгидан ёнғоқзорларни ташкил қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ёнғоқ етиштириш самарали бизнеслиги билан бирга, қатор хатарлар ҳам мавжудки, ёнғоқзорлар барпо қилишда уларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир (3-расм).




3-расм. Грек ёнғоғи етиштиришдаги деҳқон хўжаликлари доирасида юзага келувчи иқтисодий хатарлар⁹

⁸ <https://agroservers.ru/orekh-gretskiy/p1-country-9787.htm> маълумоти асосида тузилган.

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Одатда, ёнғоқ деҳқон хўжаликларига томорқа четлари, йўл ёқалари, уватлар, тошлоқ жойларга онда-сонда тартибсиз экилиб, озиклантириш, касалликларига қарши кураш тадбирлари олиб борилмайди. Айни пайтда касаллик ва ҳашаротлардан ҳимоялаш ёнғоқ етиштириш иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳимоялаш тадбирлари ресурс тежамкор усуллар, воситалар билан амалга ошиши лозим. Ресурсларни тежашга бўлган зарурат бугунги кунда уларнинг танқислиги билан боғлиқ. Тежамкорлик асосини ёнғоқзорлар майдони ёки битта дарахт ҳисобига энг кам ресурс сарфи орқали тадбирларни сифатли ва муддатда бажариш ташкил қилади. Бунда деҳқон хўжаликлари тажрибалари асосида шаклланган суғориш, озиклантириш тизими ёки ҳашорат ва касалликларга қарши кураш усуллари жорий қилиш, харажатларни мутлақ ва нисбий камайтириш имконини беради (4-расм).



4-расм. Ёнғоқзорларда парваришлаш тадбирларини амалга оширишда ресурс тежамкорликка ёндашувлар¹⁰

Шу боисдан хориждан олиб келинаётган наводор ёнғоқ кўчатлари асосида пайвандланган кўчатлар етиштириш ва уларни фермер, деҳқон хўжаликларига, хусусий тадбиркорларга етказиб беришни йўлга қўйишнинг аҳамияти бекиёс. Шунингдек,

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.


– грек ёнғоғи етиштириш ва уни сотиш билан боғлиқ инфратузилмани яратиш, фермер ва деҳқон хўжалиklarини ёнғоқ етиштириш билан боғлиқ техникалар, инвентарлар билан таъминот тизимини шакллантириш;

– йиғиб олингандан кейинги дастлабки қайта ишлаш (тозалаш, мағзини ажратиш) ва чуқур қайта ишлаш (ёғ ишлаб чиқариш), қадоқлаш, сақлаш борасидаги техник-технологик ускуналар таъминотини йўлга қўйиш;

– соҳада селекция, агротехнология, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш борасида тадқиқотларни ривожлантириш талаб этилади.

Ёнғоқ етиштиришда фойдаланиладиган агротехнологиялар доирасида ресурстежамкорлик – ресурслардан фойдаланиб етиштирилган ёнғоқ миқдор ва сифати жиҳатидан ортиб боришига (ёки камаймаслиги) ресурслар сарфи миқдорининг нисбий барқарорлиги сақланиб қолиши ҳолати тушунилади.

Тавсия этилган услубий ёндашув асосида агротехнологиялар орасидан бугунги кундаги ёнғоқчилик тармоғининг ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим (5-расм).



5-расм. Грек ёнғоғи етиштиришда тежамкор технологияларни иқтисодий самарадорлик жиҳатидан баҳолашга услубий ёндашув¹¹

Тежамкорликдан кўзланган мақсаднинг асосида ресурслар сарфини тежаб қолиш масаласи ётади, яъни маҳсулот етиштиришда ресурсларни камроқ сарф қилиш ёки янги технологияларни қўллаш орқали тежаш тушунилади.

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Демак, ёнғоқзорларда агротехник тадбирларни бажаришда ресурс тежаш тадбири доирасида ресурсларни “мутлақ” ва “нисбий” тежаш йўналишларини қабул қилиш мумкин. Биринчи йўналишда – мавжуд ресурс сарфи меъёрларига ёки ўтган йил кўрсаткичига нисбатан тежамкорлик тадбирлари баҳолангани ҳолда, экин майдони бирлиги ҳисобига ресурс сарфини тежаш назорат қилинади.

Иккинчи вазиятда – ресурс сарфи таҳлили майдон ҳисобига эмас, балки маҳсулот бирлиги ҳисобига амалга оширилади. Турли вазиятларни инобатга олиб, устувор равишда ресурсларни мутлақ тежаш тавсия этилади.

Ёнғоқ етиштириш агротехнологиялари доирасида тежамкорлик жиҳатидан баҳолаш масаласига қуйидаги ёндашувлар тавсия қилинади:

– танлаб олинган агротехнология грек ёнғоғини парваришловчи аксарият деҳқон хўжаликларида ва бошқа ёнғоқ етиштирувчи субъектларда маҳсулот етиштиришда кенг фойдаланилиши лозим;

– танланган агротехнологияни бажариш харажатлари маҳсулот таннархида сезиларли салмоққа (ёки энг катта) эга бўлиши лозим;

– ёнғоқ етиштириш бўйича танланган агротехнологияни бажаришда муқобил вариантлар мавжуд бўлиши лозим.

Демак, бизнинг ҳолатда “Ёнғоқзорларни минерал ва органик ўғитлар билан озиклантириш” ҳамда “Ёнғоқзорларни (якка экилган ёнғоқ дарахтларини) суғориш” тадбирлари ёнғоқ етиштириш агротехнологиялари билан боғлиқ тежамкорлик объекти сифатида қабул қилинди.

Юқорида тилга олинган иккита агротехнологияларнинг тежамкор вариантларидан фойдаланиш ҳисобига шаклланган харажатлар ва ушбу технологияларнинг аънавий шаклидан фойдаланиш ҳисобига юзага келган харажатлар доирасидаги рентабеллик ўртасидаги фарқ асосида иқтисодий баҳоланади. Бунда рентабеллик миқдори қуйидагича аниқланади (R_k):

$$R_k = \left(\frac{AT\Phi}{ATИЧХ} \times 100 \right) - \left(\frac{TТФ}{TТИЧХ} \times 100 \right) \quad (1)$$

Бу ерда, $AT\Phi$ ва $TТФ$ – мос равишда аънавий технология асосида ва тежамкор технологиядан фойдаланиш ҳисобига ёнғоқ етиштирувчи субъект томонидан олиниши мумкин бўлган соф фойда миқдори, (сўм);

$ATИЧХ$ ва $TТИЧХ$ – мос равишда аънавий технологиядан фойдаланиш ҳисобига юзага келган ишлаб чиқариш харажатлари ва тежамкор технологиядан фойдаланиш ҳисобига юзага келган ишлаб чиқариш харажатлари, (сўм).

Ушбу кўрсаткич асосида ёнғоқ етиштирувчи субъектларда тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳисобига рентабеллик даражаси қанча фоизга ошганини кўриш мумкин. Бу умумлаштирувчи синтетик кўрсаткич ҳисобланади.

Диссертациянинг “Деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати” деб номланувчи иккинчи бобида деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи ишлаб чиқариш тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш ҳамда жаҳон бозорида грек ёнғоғи ишлаб чиқариш ва савдоси миқдорининг ўзгариш тенденциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, монографик тадқиқотлар асосида Тошкент вилояти Паркент туманида интенсив грек ёнғоғи

плантациясида маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда, республикада 2011 йилда фермер хўжаликларига ёнғоқмевалилар майдони 3,9 минг гектарни ташкил қилиб, шундан 1,6 минг гектари грек ёнғоғи ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, мос равишда 3,7 ва 1,7 минг гектар ҳамда 2022 йилда 5,9 ва 4,0 минг гектар бўлган (3-жадвал).

3-жадвал.

Республика бўйича ёнғоқ мевалилар майдони, ялпи йиғиб олинган ҳосил миқдори ўзгариши¹²

Кўрсаткичлар номи		Фермер хўжаликлари		Дехқон хўжаликлари	
		Майдон, минг га	Ялпи ҳосил, минг тонна	Майдон, минг га	Ялпи ҳосил, минг тонна
2011 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	3,9	17,2	4,6	34,6
	-ш.ж., грек ёнғоғи	1,6	7,8	2,8	21,4
2013 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	3,4	17,2	5,1	47,8
	-ш.ж., грек ёнғоғи	1,7	6,9	2,5	21,4
2015 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	3,7	18,8	5,6	67,5
	-ш.ж., грек ёнғоғи	1,7	6,1	3,1	26,8
2017 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	3,3	9,4	7,3	101,2
	-ш.ж., грек ёнғоғи	1,8	5,0	4,0	40,2
2020 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	5,4	15,1	8,1	22,6
	-ш.ж., грек ёнғоғи	3,4	9,5	5,0	14,2
2022 йил	Ёнғоқ мевалилар, жами	5,9	13,3	8,9	22,9
	-ш.ж., грек ёнғоғи	4,0	10,4	5,9	15,9

Дехқон хўжаликларига эса, 2011 йилда жами ёнғоқмевалилар майдони 4,6 минг гектарни ташкил қилиб, шундан 2,8 минг гектари грек ёнғоғи ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, мос равишда 5,6 ва 3,1 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 8,9 ва 5,9 минг гектарга етган.

Ёнғоқ етиштиришни хўжалик юритиш шакллари кесимида таҳлил этадиган бўлсак, 2011 йилда фермер хўжаликлари улуши 30,7 фоизни, 2015 йилда 21,6 фоиз ва 2022 йилда 7,6 фоизни ташкил этган (4-жадвал).

4-жадвал.

Республикада ёнғоқ етиштиришда турли тоифадаги хўжаликларнинг улуши¹³

Хўжаликлар		Йиллар					
		2011	2013	2015	2017	2020	2022
Фермер хўжаликлари	миқдори, тонна	17200,0	17245,0	18848,0	9410,0	6175,0	8253,6
	улуши, (%)	30,7	26,0	21,6	8,5	6,8	7,6
Дехқон хўжаликлари	миқдори, тонна	34572,0	47756,0	67467,0	10136,0	84024,0	99369,0
	улуши, (%)	61,7	71,9	77,3	91,2	92,7	91,5
Бошқа қ/х корхоналари	миқдори, тонна	4 305,0	1 391,0	992,0	355,0	432,0	977,4
	улуши, (%)	7,7	2,1	1,1	0,3	0,5	0,9

¹²Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тезкор маълумотлари асосида тузилган.

¹³Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Дехқон хўжаликлари улуши эса, 2011 йилда 61,7 фоизни, 2015 йилда 77,3 фоиз ва 2022 йилда 91,5 фоизни ташкил этган. Кўриш мумкинки, дехқон хўжаликларида ёнғоқ етиштириш орқали даромад манбаига эга бўлишга бўлган интилиш ортиб бормоқда.

Монографик тадқиқотлар кўрсатишича, Паркент туманида грек ёнғоғи етиштирадиган дехқон хўжаликларида ўртача бир туپ ёнғоқ дарахтидан олинган ҳосил миқдори 50–65 килограмми ташкил қилган. Навсиз маҳаллий ёнғоқ бўлганлиги боисдан бир килограмм сифатли ёнғоқнинг ўртача сотиш баҳоси 22 минг сўми, майдароқ ёнғоқлар баҳоси эса 16–17 минг сўми ташкил қилган (5-жадвал).

5-жадвал.

Тошкент вилояти Паркент туманида фаолият юритаётган дехқон хўжаликларида ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари¹⁴

Кўрсаткичлар	“Нур” МФЙ даги “Азимова Муҳайё Эрешбаевна” дехқон хўжалиги	“Богбон” МФЙ даги “Ғуломов Мирсидиқ Олимович” дехқон хўжалиги	“Иқбол” МФЙ даги “Жўраев Эркин Агабекович” дехқон хўжалиги
Хўжалик ер майдони, гектар	0,3	0,25	0,24
Ёнғоқ тушлари сони	8	10	6
Бир туپ ёнғоқдан олинган ҳосил, кг	50	65	55
Жами олинган ҳосил, кг	400	650	330
Шундан, юқори сифатли	320	515	270
Ўрта сифатли	80	135	50
Бир кг ёнғоқ баҳоси, кг/сўм	Юқори сифатли	22000	21000
	Ўрта сифатли	16000	17000
Жами олинган маҳсулот қиймати, минг сўм	8320	13110	6520
Ўртача бир туپ дарахтдан олинган ёнғоқ, минг сўм/туپ	1040	1311	1086

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, интенсив кўчатлар асосида ташкил қилинган грек ёнғоғи плантациялари 4 йилдан бошлаб ҳосил бера бошласада, 6 йилдан кейингина сарф-харажатларни қоплаб рентабеллик даражаси 446 фоизни ташкил қилди. Мевалар ичида грек ёнғоғининг ҳосилдорлиги ва баҳоси юқорилигини кўриш мумкин.

Юқоридаги фикрлар ва таҳлиллар натижаларига таянадиган бўлсак, куйидаги ҳулосаларни келтириш мумкин:

– Ўзбекистонда грек ёнғоғи етиштириш асосан аҳоли томорқаларида ва ондан сонда экилган ёввойи грек ёнғоғи ҳисобига амалга оширилиши жаҳон бозори талаблари доирасида ёнғоқ етиштириш имконини бермайди;

– келажақда ҳам Россия республикамиз учун йирик ёнғоқ бозори сифатида сақланиб қолиши учун Россия бозори талабига мослашиб бориш зарур;

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

– Ўзбекистонда қандолатчилик соҳаси ривожланиши ва оилаларда турли пишириқлар тайёрлаш урф бўлаётгани, ёнғоқ истеъмоли ортиб бориши ички бозор барқарорлигини таъминлайди;

– бозор талаби доирасидаги маҳсулот етиштириш имконини берувчи, ҳосилдор грек ёнғоғи навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмас;

– республикага хориждан грек ёнғоғи кўчати кириб келиши, ёнғоқ плантацияларини сув билан кам таъминланган ҳудудларда ҳам ташкил қилиш, экспорт имкониятларимизни янада оширувчи омил ҳисобланади;

– ёнғоқ плантацияларини кенгайтириш ва экспортни рағбатлантирувчи субсидиялаш ҳамда кредитлаш тизимларини жорий қилиш лозим.

